

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

### ШҮРТҮҚАЙ – ЛОЖУВАРД САВДОСИ ЙЎЛИДАГИ ФОРПОСТМИ?

**Шайдуллаева Гулжаҳон Шопўлатовна,**  
ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институтитаянч докторанти

**For citation:** Gulzhakhon Sh. Shaydullaeva. Shurtukay was forpost of Lazurian trade? 2019, vol. 1, issue 13, pp.50-57.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-13-06>

*Келиб тушган сана 5 август, 2019*  
*Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019*

#### **АННОТАЦИЯ**

Мақолада, Қадимги Бақтрия ҳудудида шаклланган, Хараппа маданиятига хос бўлган Шўртўқай ёдгорлигининг пайдо бўлиши хусусида янги фикр ва мулоҳазалар муҳокама этилган. Шу вақтгача Шўртўқай ёдгорлиги Хараппа маданиятининг ложувард йўлидаги савдо форпости деб келинган. Аммо, муаллиф Шўртўқайдан энг кам ложувард топилганлигини асос қилиб, ёдгорлик ложувард савдоси билан боғлиқ эмас, балки хараппаликларнинг янги ерларни ўзлаштириш борасида олиб борган сиёсати натижасида пайдо бўлган ва юқори ирригация тизимига зга бўлган ёдгорлик деб ҳисоблайди.

**Калит сўзлар:** Бақтрия, Хараппа маданияти, Шўртўқай ёдгорлиги, Сополли маданияти, ирригация тизими, Амударё, Бадахшон ложуварди.

### ШУРТУКАЙ ЯВЛЯЛСЯ ЛИ ФОРПОСТОМ ЛАЗУРИТСКОЙ ТОРГОВЛИ?

**Шайдуллаева Гулжаҳон Шопулатовна,**  
базовый докторант Институт археологических исследований АН РУз

## **АННОТАЦИЯ**

В статье рассматриваются причины появления памятника древне-хараппинской культуры - Шуртукай, которые находятся на территории Бактрии. Исследователи считают, что Шуртукай является северным форпостом Хараппинской культуры в лазуритском торговом пути. Однако, из Шуртукай найдено очень мизерное количество лазурита. До того мало, которое нельзя считать что, Шуртукай являлся форпостом лазуритской торговли. По этому автор считает что, Шуртукай появился в результате политики хараппинцев освоение новых территорий и является древнеземледельческим памятником Хараппинской культуры с развитой ирригационной системой.

Ключевые слова: Бактрия, Хараппинская культура, памятник Шуртукай, Сапаллинская культура, ирригационная система, Амударья, Бадахшанский лазурит.

---

## **SHURTUKAY WAS FORPOST OF LAZURIAN TRADE?**

**Gulzhakhon Sh. Shaydullaeva,**

basic doctoral student Institute of Archaeological Research,  
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

## **ANNOTATION**

The article discusses the reasons for the appearance of the monument of ancient Harappa culture - Shurtukai, which is located on the territory of Bactria. Researchers believe that Shurtukai is the northern outpost of the Harappa culture on the Lazurian trade route. However, a very small amount of lazurite was found from Shurtukai. So little that can not be considered that, Shurtukai was an outpost of Lazurian trade. According to this, the author believes that Shurtugay appeared as a result of the policy of the Harappa people mastered by the new territory and is an ancient agricultural monument of the Harappa culture with a developed irrigation system.

**Key words:** Bactria, Kharappa culture, Shurtukai monument, Sapalla culture, irrigation system, Amu Darya, Badakhshan lapis lazurit.

---

Шуртуқай – Хараппа маданиятига тегишли, бир гуруҳ аҳолининг Бақтрияга, Амударёнинг юқори оқими, ҳозирги Афғонистоннинг шимоли шарқий қисмига, Панж дарёси ҳудудига кўчиб келиши ва жойлашиши натижасида пайдо бўлган, қадимги Ҳинд цивилизациясининг маданият марказларидан бири ҳисобланган Мохенждаро ёдгорлигидан 1100 километр узоқликда бунёд бўлган ёдгорлик. Вақт

ўтиши мобайнида кўчманчи Бешкент, Андроново маданияти ва иқтисоди деҳқончиликка асосланган Сополли ва Даштли маданиятларининг таъсирида Шўртўқайнинг моддий маданияти ўзгарганлиги, маҳаллийлашганлиги кузатилади. Ёдгорлик тадқиқотчиси, француз археологи Г.П. Франкфортнинг фикрига қараганда Шўртўқай Хараппа маданиятининг шимолий савдо форпости ҳисобланиб, ложувард йўлидаги савдо колонияси манзилгоҳидир [2].

Шўртўқай ёдгорлигидан олинган моддий маданият намуналарининг ранг-баранглиги, маданиятлар ўртасидаги алоқаларни ўрганишдаги ўрни жуда катта бўлганлиги туфайли тадқиқотчилар бу ёдгорлик моддий маданиятига қайта-қайта ўз мунасобатларини билдиришлари ҳам табиий ҳол. Яқинда, ёдгорлик тадқиқотчиси Г.П.Франкфорт, Шўртўқай тадқиқотларидан сўнг 40 йилдан кейин мавзуга қайтиб, Шўртўқай ёдгорлиги хусусида ўз қарашларини билдирди [1].


Бунинг сабабларидан бири, Шўртўқай монографияси чоп этилганда Туркманистон, Ўзбекистон, Тожикистон археологларининг Бақтрия ва Марғиёнада олиб борган тадқиқотлари якунлари чет эл учун номаълумлигича қолган бўлса, иккинчидан шу давр ичида Марказий Осиё археологиясида “Окс цивилизацияси” кашф этилди. Г.П. Франкфорнинг мазкур, йирик мақоласида Шўртўқайнинг Хараппа эмас, балки Бақтрияга хос моддий маданият намуналари ҳақида янги маълумотлар келтирилган. “Янги” деб аташимизга сабаб мақолада чоп этилган археологик артефактлар 1989 йилда нашр этилган монографияда ўз аксини топмаган.

Шўртўқайнинг маданий қатламларига эътибор берсак унинг энг қуйи қатламлари Хараппа моддий маданияти билан бир хиллиги кузатилади. Г.-П. Франкфортнинг изланишлари натижасида Шўртўқай ёдгорлигига мил.ав. 2200-2000 йилларда асос солинганлиги аниқланган. Унинг қуйи қатламларидан олинган археологик манбалар Қадимги Ҳиндистоннинг Хараппа, Калибанган ёдгорликлари билан ўхшашлиги эътироф этилган. Давр бўйича Жанубий Туркманистоннинг Олтинтепа, Намозгоҳ, Афғонистоннинг Мундигак, Эроннинг Шаҳри Сўхта, Тепа Яҳъё, Бампур, Кулли, Шахдод ёдгорликлари билан бир вақтда фаолият этганлиги қайд этилган. Шундан сўнг ёдгорликнинг ташлаб кетилганлиги, маълум вақт бу ерда ҳаёт узилганлиги стратиграфик қатламлар асосида қайд этилган.

Маълум вақтдан сўнг Шўртўқай ёдгорлигида иккинчи марта ҳаёт тикланади. Аммо, бу тикланишда хараппаликларнинг эмас, балки Бақтриянинг, аниқроғи Сополли, Даштли маданиятлари аҳолисининг ўрни кузатилган. Г.П. Франкфорнинг қатъий фикрига кўра бу

давр мил.ав. 2000-1700 йилларни ўз ичига олади.

Демак, Шўртўқай ёдгорлиги тарихининг икки даври бор. Биринчи даври Хараппа маданияти аҳолисининг, ёдгорликнинг ўзлаштирилиши фаолияти билан, иккинчи давр эса маҳаллий халқлар фаолиятининг ошиши билан характерланади. Г.-П. Франкфортнинг фикрига кўра, Шўртўқай ёдгорлиги аҳолиси Қадимги Шарқ маданияти халқларининг ложувардга бўлган эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилган, бу хизматни аввал қадимги ҳиндистонликлар, вақт ўтиши билан эса маҳаллий халқ ўз кўлига олган деб хулоса қилсак, ёдгорлик маданий қатламлари асосида фикр юритган бўламиз.



1 расм. Қадимги Шарқ цивилизацияси марказлари

Ёдгорликнинг иккинчи даври моддий маданиятида муҳрларнинг учрашини эътибордан чиқаришимиз мумкин эмас. Бу муҳрларда инсоннинг ҳайвонат дунёси билан қурашаётган тасвири ифодаланган бўлиб, бу тасвирларни ёдгорлик тадқиқотчиси Эламнинг тасвирий санъатдаги маданий таъсири деб баҳолайди. Демак, ложувард савдоси йўлида эламликларнинг бевосита иштироки моддий маданият намуналарида кузатилмоқда.



2 расм. Шўртўқай ёдгорлигидан топилган муҳрлар

Ўрта Осиёнинг бронза даври археологияси муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқотчилар Б. Лионенинг 1997 йилда, француз тилида чоп қилинган, Толиқон воҳасида олиб борган тадқиқотларига деярли эътибор беришмайдилар [5]. Бундай дейишимизга сабаб, бронза даврининг йирик мутахассислари, академик олимлар А.А. Асқаров, В.М. Массон, В.И. Сарияниди асарларида мазкур тадқиқотга ихтибослар келтирилмайди. Б. Лионе асарида Бақтриянинг ўрта бронза даври хусусида ўз қарашларини баён этган. У Шарқий Бақтрияда, хусусан Толиқон воҳасида Белужистон таъсирида ўзига хос маданият шаклланган деб ҳисоблайди. Шўртўқай ёдгорлиги ҳақида ҳам ўз фикрларини баён этиб, Г.-П. Франкфорتنинг фикрига қарши боради ва Шарқий Бақтрияни Хараппа маданиятининг минераллар тўплашдаги колонияси эмас, балки Хараппа маданияти худудига киритади. Бақтриянинг бошқа худудларида, хусусан В.И. Сариянидининг Даштли [12; 13; 14; 15], А.А. Асқаровнинг Шеробод воҳаларида ўрганган Сополлитепа, Жарқўтон [7; 8; 9; 10; 11] ёдгорликларини Хараппа маданиятининг Бақтрия-Марғиёна варианты деб ҳисоблайди ва ёдгорликларнинг даври масаласида ҳам тадқиқотчилар билан келишмайди. Бу борда у Ф. Хибертнинг тадқиқот хулосаларини қўллаб-қувватлайди (мил.ав. 2290-1680 йиллар) [3; 4].

Шу билан бир қаторда В.И. Сариянидининг Бақтрия-Марғиёна аҳолиси бронза даврида ҳиндарийлар бўлган деган фикрига ҳам қарши боради [6]. Б. Лионенинг тадқиқотларига кўра, бронза даврининг сўнггида Шарқий Бақтрияга кўчманчи Андроново маданиятининг кириб келиши кузатилади. Албатта, бронза даври маданиятларининг инқирози масаласини кўчманчилар билан боғлаш ноўрин, чунки уларнинг тинч йўл билан, босқичма-босқич кириб келиши археологик манбалар асосида кузатилади. Олима Е.Е. Кузьминанинг андроноволикларни индоарийлар билан боғлаш тўғрисидаги фикрини ривожлантиради. Мил.ав. XV асрда ҳиндарийлар Ҳиндистонда ҳам пайдо бўлганлигини, Хараппа маданиятининг инқирозидида ҳиндарийларнинг роли катта эканлигини таъкидлайди.


А.П. Франкфор ва Б.Лионенинг Шарқий Бақтрияда олиб борган тадқиқотлари асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, Шўртўқай Хараппа маданиятининг шимолий савдо форпости сифатида пайдо бўлган, ложувард йўлидаги савдо колонияси манзилдир. Шу билан бир қаторда ёдгорлик стратиграфияси шундай

маълумотларни ҳам берадики, унинг иккинчи даврида маҳаллий Бақтрия аҳолиси хараппаликларни сиқиб чиқаришга муваффақ бўлган, мумкинки, Бадахшон ва Помир ложувард маъдани конларига эгалик қилиб, ложувард савдоси билан бақтрияликларнинг ўзлари шуғулланган бўлишлари керак. Толиқон воҳаси қадимги шарқликлар томонидан икки марта “ўзлаштирилган”. Бақтрия маъдан конлари энг аввал Толиқон воҳасига келиб жойлашган белужистонликлар, вақт ўтиши билан эса қадимги ҳиндистонликлар томонидан эгалланган. Қадимги Шарқ халқлари ўртасида маъдан конларига эгалик қилиш тинч йўл билан амалга ошмаганлиги таъкидланган.

Бир томонлама қараганда тадқиқотчилар ҳақдек кўринади, негаки Бадахшон ложувард кони ва Шўртўқай ёдгорлиги битта тарихий минтақада жойлашган. Қадимги Ҳиндистондан кўчиб келган аҳоли айнан ложувард кони учун келгандек кўринади. Аммо, археология фани иш услуби асосида хулоса қиладиган бўлсак, тарихий ҳақиқат бундай кечмаганлиги ойдинлашади. Биринчидан, Шўртўқай ёдгорлигидан ниҳоятда кам, бир ёки иккита ложуварддан ясалган тақинчиқлар топилган. Иккинчидан, ложувард минерал, яъни ёмби холатда топилмаган, ҳаттоки кукунлари ҳам учрамаган. Бу археологик ҳақиқат. Агар тадқиқотчилар шўртўқайликлар хўжалиги ҳақида гапирганда булар тўғрисида маълумотлар келтирган бўлар эди. Тадқиқотчиларнинг “Шўртўқай – Хараппа маданиятининг шимолий савдо форпости” деган хулосаси ёдгорликнинг Бадахшон ложувард маконига яқин жойлашганлигига асосланган, холос.

Археологик манбалар асосида фикрлайдиган бўлсак, Шўртўқай ёдгорлигининг пайдо бўлиши хараппаликларнинг янги деҳқончилик ўлкаларини ўзлаштириш сиёсати, яъни фаолияти билан боғлиқдир. Бу фикрни Шўртўқай ёдгорлигининг жойлашган географик ўрни тўлиқ асослайди (Қаранг: 3 расм).

Биринчидан ёдгорлик деҳқончиликка энг қулай бўлган Панж ва Кўкча дарёларининг қўшилиш жойи – Амударёнинг бўйида бунёд этилган. Иккинчидан, Амударёнинг юқори оқими ҳудудлари маҳаллий Сополли ва Даштли маданиятлари вакиллари томонидан ўзлаштирилмаган, бўз ерлар бўлган, учинчидан Панж ва Кўкча дарёларидан ариқ ва каналлар қазиб, бемалол, техника кучисиз деҳқончилик майдонларига сув олиб борилган ва сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликка асос солинган.



**3-расм. Шўртўқай ёдгорлигининг ирригация тизимлари бўйича жойлашиши (А.-П. Франкфор мақоласи бўйича)**

А.П. Франкфорнинг ўзи ГИС технологияси асосида Шўртўқай ёдгорлиги атрофида қазилган каналлар ўрнини, деҳқончилик ва боғдорчилик майдонларини ажратиб берган (3 расм). Шўртўқай ирригация тизими бронза даври учун энг ривожланган усул бўлиб, Марказий Осиёда йирик дарё сувларининг инсоният томонидан бўйсиндирилиши деб баҳоланса, Шўртўқайликларнинг ирригация соҳасида эришган ютуқларига тўғри баҳо берилган бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Francfort H.-P. How the twins met: Indus and Oxus Bronze Age Civilizations in Eastern Bactria. Shortughai revisited forty years later. Paris, 2016.
2. Frangfort H.P. Fouilles de Shortughai. Recherches sur L'Asie Central protohistoriques. V.I.II. Paris: Vocard, 1989. “lapis-lazuli” латинча сўз бўлиб, Ўрта Осиёликлар ложуварт ёки лал деб аташган.
3. Hiebert F.T. Chronology of Margiana and Radiocarbon Dates // Information Bulletin of IASCCA. Moskov, 1993, Issue 19.
4. Hiebert F.T. Origins of the Bronze Age Oasis Civilization in Central Asia// American School of Prehistorik Research Bulletin. 42. Cambridge, 1994.
5. Lyonnet B. Ceramique et peuplement du chalcolitique a la conquete arabe. (Prospection archeologiques en Bactriane orientale (1974-1978). Soes

La direction de Jean-Claude Gardin. V.2), Paris, 1997.

6. Sarianidi V.I. Seal-Amulets of the Murgab Style // The Bronze Age Civilization of Central Asia. Recent Soviet Discoveries. Ed. by Kohl P. L., New York, 1981.

7. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы на юге Узбекистана.—Ташкент: Фан, 1977.; Аскарлов А.А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973. (Askarov A.A. Ancient agricultural culture of the Bronze Age in southern Uzbekistan. —Tashkent: Fan, 1977. Askarov A.A. Sapallitepa. Tashkent, 1973.)

8. Аскарлов А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. —Ташкент: Фан, 1983. (Askarov A.A., Abdullayev B.N. Djakutan. —Tashkent: Fan,1983.)

9. Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Древнебактрийский храм огня в Южном Узбекистане. Сб. Градостроительство и архитектура. — Ташкент, 1989. (Askarov A.A., Shirinov T.Sh. Ancient Bactrian temple of fire in southern Uzbekistan. Sat Urban planning and architecture. — Tashkent, 1989.)

10. Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. — Самарканд, 1993.( Askarov A.A., Shirinov T.Sh. Early urban culture of the Bronze Age south of Central Asia. Samarkand, 1993.)

11. Аскарлов А. Энг қадимий шаҳар. —Тошкент, 2001. (Askarov A. The oldest city. — Tashkent, 2001.)

12. Сарияниди В.И. Бактрия в эпоху бронзы // СА. 4. 1974. (Sarianidi V.I. Bactria in the Bronze Age // SA. 4.1974.)

13. Сарияниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. М., 1977. (Sarianidi V.I. The ancient farmers of Afghanistan. М., 1977.)

14. Сарияниди В.И. Исследования памятников Дашлинского оазиса. Древняя Бактрия. Материалы 1969-1973 гг. М., «Наука», 1976.(Sarianidi V.I. Studies of the monuments of the Dashlinsky oasis. Ancient Bactria. Materials 1969-1973 М., "Science", 1976.)

15. Сарияниди В.И. Об одной группе культовых изделий Бактрии / / СА №3, 1979.(Sarianidi V.I. About one group of cult products of Bactria // SA No. 3, 1979.)